



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

АХБОРОТНОМАСИ

№ 2–3 (32–33)

2014

Тошкент – 2014

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
АХБОРОТНОМАСИ**

2014 йил № 2–3 (32–33)-сон

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидаги ўтказилиш алоқаси тўғрисида тўғрисида № 0838

1999 йилдан чиқа бошлаган

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ

Материаллар ҳар бир сонда
Ўзбек ва рус тилларида
босилади

ТАХРИР ХАЙЪАТИ РАИСИ

Мирза-Улугбек АБДУСАЛОМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Абдужаббар АБДУВАХИТОВ
Жаҳонгир АБДУЛЛАЕВ
Олимжон АБДУНАЗАРОВ
Комилжон АДИЛОВ
Светлана АРТИКОВА
Олимжон БОБОЖОНОВ
Гайрат МАШКУРОВ
Эшон РАЖАБОВ
Жаҳонгир САДИКОВ
Шухрат СПРОЖИДДИНОВ
Телур ШИРИНОВ

БОШ МУХАРРИР

Нидолиддин НУРМАТОВ

ТАХРИРИЯТ МАЎЗИЛИ:

10078, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик майдони, 6
www.elections.uz
central@elections.uz
Телефон: 239-13-14

Интернет-адреслари: М.Ў.158, 14-08-04
Бўғини 2013 йил 25-октябрдан расман эълон қилинган № 42-ЎТФК/03 қарори билан «Elections» интернет-адреси «Elections.uz» веб-сайтига ўзгартирилди.
Нархли боғичи рақами: 0104, Нарх рақами: 0244. Адрас: 90000000, Ўзбекистон № 14-527-27

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Elections» интернет-маълумотлари хўш кўриш ва
100120, Тошкент, Чинафий кўчаси, 91

МУНДАРИЖА

Мирза-Улугбек Абдусаломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошлангани ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси раиси матбуот аниқлаштирилган қутуғи

5

Ошиқлик, ҳаққонийлик ва ҳолислик.

9

РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING
ҚАРОЛARI**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошлангани эълон қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

14

«Сайлов ўтказиш учун зарур бўладиган сайлов кабинллари ва қўтилари, Давлат байроқлари, герблари ва муҳрилари ҳамда талаб этиладиган техник воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳолати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

18

«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тасдиқлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

19

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

21

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига доир ҳужжатларнинг намуна ва шакллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

23

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котибини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

28

«2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

29

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича талбирлар Қастури юзасидан 2014 йил май-сентябрь ойлари бўйича ҳисоботи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

31

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

32

«Сийёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо ва ражакалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

66

«Ўзбекистон «Аҳолига» социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига қатнашишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

68

«Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига қатнашишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

69

«Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига қатнашишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

70

«Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига қатнашишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

71

«Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига иштирок этиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

72

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

74

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссия раислари учун ўқув семинар-йиғинлишларини ташкилотини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

166

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

167

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИДА

178

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

183

М. Абдусаломов,

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ OЛИЙ MAЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИ HAҚИДА*

Жорий йилнинг 15 сентябридан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиб, бугунги кунга келиб, кизгин паллага кирди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва парламент сайловиди янги прок этишларига ижозат берилди.

Ўзбекистон парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўлажак сайловлар янги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий юксалиш шароитларида ўтади.

Кенг кўламли ислоҳоларни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда эришилган улкан муваффақиятлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Ўзбекистон халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Авваламбор, юртимизда тинчлик-оқойишталик ва фуқаролар тотувлиги мустаҳкамланган. Сўнги йилларда иқтисодий биржарор ўсини суриштири, халқимиз фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг изчил яшиланиб бораётгани, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси юксалиб бораётгани бунинг ёркин далилидир.

Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, сайловга тайёрилик кўриши ва уни ўтказиш жараёнида ошқоралик ва очиклики таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнайди. Оммавий ахборот воситалари фуқаролик институтларидан бири сифатида демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омили бўлмоқда, уларнинг ўз фикр ва ҳоъларини, ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга ишбатиш нуқтаи назари ҳамда муносабатини эркин ифода этиши имкониятини таъминламоқда, жамоатчилик фикрини шакллантирмоқда.

Бу ҳақ аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фуқароларининг сайлов ҳуқуқларини ишончли

* Матбуот анжуманидаги нутқ, 2014 йил 9 октябрь.

таъминлаш, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлов комиссиялари фаолияти ошқоралигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, аввало Сиз – хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларига Ўзбекистонда кечаётган 2014 йилги сайлов кампаниясининг боришидан фуқароларимиз ва жаҳон афкор оммасини хабардор қилиш юзасидан амалга ошираётган самарали ишларингиз учун самимий миннатдорлик билдирамиз.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари сайлов кампаниясининг барча босқичларини ёритиб бормоқда.

Сайлов жараёнида шаффофлик, ошқоралик ва очиқликни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бориши тўғрисида холис ва ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилди.

Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, шунингдек, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан битимлар имзоланди.

Мазкур битимларни имзолашдан кўзда тутилган асосий мақсад сайлов жараёнининг ошқоралиги ва очиқлигини таъминлаш, мамлакатимиз ва хориж жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча чора-тадбирлардан кенг хабардор қилиб боришдан иборатдир.

Битимларда миллий сайлов қонунчилиги мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган. Депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун тенг шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2014 йил 3 октябрдаги мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таклифларини кўриб чиқиб,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов округларининг рўйхати уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилари сони кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинди.

Мазкур Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг 9 октябрь куни ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қонунга асосан округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида кенг муҳокамадан ўтишди ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Округ сайлов комиссиялари жамоатчиликнинг обрўли вакилларидан иборат таркибда уларнинг иш ва профессионал сифатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда иштирок этиб, тажриба орттиргани ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилди.

Округ сайлов комиссияларининг аъзолари у ёки бу сиёсий партиянинг аъзолари бўлиши мумкин эмас. Округ сайлов комиссияларининг аъзолари рўйхати комиссияларнинг манзиллари ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Округ сайлов комиссияларига 1463 киши жалб қилинган. Уларнинг 45,1 фоизи таълим соҳаси вакиллари, 21,8 фоизи жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, 8,1 фоизи соғлиқни сақлаш тизими, 3,6 фоизи ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари дир. Комиссия аъзоларининг 66,9 фоизи илгари сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда иштирок этган. Хотин-қизлар сони 20,1 фоизни ташкил қилади.

Комиссия аъзоларининг 56 нафари магистр ёки фан доктори илмий даражасига эга, 13,3 фоизи 35 ёшгача, 39,6 фоизи 35–50 ёшдагилар, 38,5 фоизи ёши 50 дан ошган кишилар дир.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Қонунчиликка биноан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партиянинг ҳар бири Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш ҳамда депутатликка номзодларни кўрсатиш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этди. Булар – партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир-

лигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси, сайловчиларнинг сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзо варақалари.

Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида 40 мингта имзосини тўплаши зарур эди. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-худудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23¹-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳи тузди. Холисликка тўлиқ риоя этиш учун имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда мутахассислар, хатшунослик бўйича экспертлар, жамоатчилик вакиллари, шунингдек, ҳар бир сиёсий партиянинг қонунчиликка мувофиқ эндиликда бундай ҳуқуққа эга бўлган бир нафардан ваколатли вакили иштирок этди.

Ишчи гуруҳининг хулосаларига асосан, Марказий сайлов комиссияси ўзининг 8 октябрдаги мажлисида «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, 9 октябрда эса Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Тўртта сиёсий партиянинг раҳбарларига Марказий сайлов комиссиясининг партияларнинг 2014 йилги сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисидаги қарорлари нусхалари берилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

ОЧКЛИК, ҲАҚҚОНЛИК ВА ХОЛИСЛИК*

Оммавий ахборот воситалари сайловчиларга, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маланиятини юксалтиришга, шу жумладан сайлов жараёнига катта таъсир кўрсатади.

Зотан, сайлов кампаниясини ёритишда журналистлар жуда муҳим ижтимоий вазифани бажарадилар, улар фуқароларнинг сайлов жараёни, унла катнашаётган номзодлар ҳамда сиёсий партиялар, уларнинг сайловолди дастурлари хақида имкон қадар тўлиқ ва батафсил ахборот олишга онд ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Мамлакатимиз парламентида ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлажак сайловлар бўйича сайлов кампаниясини кенг ва холис ёритишни таъминлаш жараёни ҳусусида мухбиримиз Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомиддин ШУРМАТОВ билан суҳбатлашди.

– Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайт этилганидек, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва гояларини, солиқ бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода эталиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаолиятини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки хақида сўз юритиб бўлмайди, – дейди у. – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ОАВ билан ҳамкорлик қилишга, сайловларнинг ахборот таъминоти соҳасида сайлов жараёни барча иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил қилинди. Сайлов кампаниясининг асосий босқичларига бағишланган брифинглар, матбуот аниқуманлари ўтказили кўзда тутилган.

Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ҳамкорлигининг асосий вазифаси сайловчиларнинг сайловларда эркин иштирок этиши, сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловолди дастурлари билан атрафлича танишиши, овоз бериш куни онли равишда қарор қабул қилиши учун зарур шароитлар яратишидир.

– ОАВнинг сайлов жараёнида иштирок этиши журналистлардан юксак масъулият ва қисб маҳоратини талаб қилади. Сизнинг фикрингизча, бу борада нималарга эътибор қаратиш лозим?

* «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 30 сентябрь

– Ҳақиқатан ҳам, журналистлар фуқароларни сайловлар ҳақида тўлиқ ва ҳолис ахборот билан таъминлаш, сайлов кампаниясини амалдаги қонунчилик талаблари доирасида профессионал ёритишга катта масъулият билан ёндашиши зарур. Бинобарин, ОАВ демократик сайловлар, уларни ўтказишнинг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигининг муҳим воситаси бўлиб, мазкур сиёсий жараёнда фуқаролик жамиятининг фаол иштирокига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаш керакки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бутунлай янги бир шароитларда, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ўтказилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Конституциямизга киритилган тузатишларга мувофиқ, фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилди.

Айтиш жоизки, сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиқлик «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг асосий қоидаларидан бири сифатида мустаҳкамланган. Албатта, мазкур қоидани оммавий ахборот воситаларининг фаол ва самарали иштирокисиз ҳаётга жорий қилишни тасаввур этиб бўлмайди.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг муҳим мезонларидан бири тарқатилаётган ахборотнинг ҳаққонийлигидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида оммавий ахборот воситалари эркин ва қонунга мувофиқ ишлаши ҳамда улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлиши мустаҳкамлаб қўйилган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга кўра, оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек, депутатликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда ҳам оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгилаб қўйилган.

ОАВда ахборотнинг тўлиқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари сифатида очиқлик ва ошкоралик белгилаб қўйилгани ҳам сайлов кампаниясининг барча босқичларини кенг ёритишни кўзда тутаяди. Бу, ўз навбатида, сайловчиларнинг ахборотни эркин олишга, ўз хоҳиш-иродасини билдиришга бўлган узвий ҳуқуқини таъминлайди.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Оммавий ахборот воситалари сайлов жараёни ташкилотчилари ва унинг бевосита иштирокчилари ўртасидаги кўприк сифатида демократик кадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб, сайловчиларга ўз фикр ва ғояларини эркин ифода этиш, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз позицияси ва муносабатини билдириш имкониятини яратади, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга, унинг мамлакат сиёсий, ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қиладиган ижтимоий фикрни шакллантиради.

– Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга тенг шароитлар қандай таъминланади?

– Қонунчиликка кўра, сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитларни таъминлаш сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун долзарб аҳамиятга эгадир. Мазкур демократик принцип сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топган.

Бу, табиийки, оммавий ахборот воситаларига катта масъулият юклайди. Сайловларнинг транспарентлиги, уларни ўтказишнинг ошкоралиги ва адолатлилиги, мазкур жараённинг жамиятга ҳисобдорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан ОАВга боғлиқ.

– 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказининг фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Сайлов жараёни барча босқичларининг шаффофлиги, очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишнинг бориши ҳақида жамоатчиликни ОАВ орқали холис ва ўз вақтида

хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилди. Республика матбуот марказининг муҳим вазифаларидан бири сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни республика ва чет эл ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш, сайлов кампаниясининг асосий босқичларига бағишланган ва Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган брифинглар, матбуот анжуманларини ташкиллаштириш, мамлакатимиз ва чет эл ОАВ вакилларини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ахборот материаллари билан таъминлашдир. Бунинг учун журналистлар аккредитациядан ўтишлари лозим.

– Мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш тартиби қандай?

Аввало, шунини айтишни истардимки, ОАВнинг ҳар бир вакили сайлов жараёнини ёритишга ҳақли. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча жараёнини кенг ошқоралиқ, очиқлик ва транспарентлик тамойили асосида ёритиш яхши анъанага айланган.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг 12 сентябрдан эътиборан Марказий сайлов комиссияси сайти (www.elections.uz) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бўйича сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш тартиби жойлаштирилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мамлакатимиз ва хориж журналистларидан аккредитация қилиш учун ҳужжатлар кели бошлади.

Эслатиб ўтамиз, журналистлар аккредитациядан ўтиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ломуга ОАВ ташкилотининг расмий бланкасида журналистнинг аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги ариза, аккредитациядан ўталган журналистнинг ўлчами 3,5x4,5 см бўлган икки дона фотосурати, ОАВ ташкилотининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, электрон ОАВ учун эфирга узатиш лицензиясининг нусхаси, хорижий журналистлар учун – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси тақдим қилиниши керак. Аккредитациядан ўтган журналистлар белгиланган намунадаги тегишли бейжикларни олишади. Бу журналистларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тadbирларда қатнашини, сайлов кунини овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Қайд этиш керакки, аккредитациядан ўтган журналистлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча ахборот материалларини, расмий маълумотларини ўз вақтида олиш, Республика матбуот маркази биносидан ташкил этиладиган матбуот анжуманлари ва брифингларда қатнашишлари мум-

кин. Мазкур марказда журналистларнинг профессионал фаолияти учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

Шу кунга қадар аккредитация учун мамлакатимиз ва чет давлатларнинг 20 дан зиёд оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳисобланган 123 нафар журналистнинг ҳужжатлари келиб тушди. Аккредитация жараёни давом этмоқда.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида матбуот марказлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар маҳаллий журналистларга сайлов кампанияси бориши ҳақидаги ахборотларни тезкорлик билан тақдим қилишда яқиндан қўмаклашмоқда. Қолаверса, жамоатчиликни кенг ҳабардор қилиш мақсадида Миллий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти (www.elections.uz) мунтазам янгиланиб боришмоқда. Унга кунига дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб фойдаланувчилар ташриф буюраётти.

Хулоса ўрнида шунни айтиш керакки, оммавий ахборот воситалари зиммасига мамлакатимизни янада тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов жараёнини ёритишда катта масъулият юкланади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ
КАМПАНИЯСИ БОШЛАНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШИ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми ва «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасига – 2014 йил 21 декабрда ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни сайлов қонунчилигига, умум эътироф этилган халқаро нормалар ва стандартларга тўла мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқароларга давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирок этиш конституциявий ҳуқуқини ямаши оширишда зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2014 йил 15 сентябрдан бошланиши эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 154 минг сайловчи хисобидан белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2014 йил 27 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш бўйича тақдимномалар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 135 та сайлов округлари тузилсин, уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати 2014 йил 7 октябрга қадар матбуотда эълон қилинсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари 2014 йил 2 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодлар тавсия этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби 2014 йил 12 октябрга қадар тасдиқлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

2014 йил 22 октябрга қадар сайлов участкаларини;

2014 йил 11 ноябрга қадар участка сайлов комиссияларини тузадилар.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссияларига:

туман, шаҳар ҳокимликлари 2014 йил 12 октябрга қадар сайлов участкаларини тузиш бўйича тақдимномалар киритади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари 2014 йил 1 ноябрга қадар участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодлар тавсия этади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қонунда белгиланган тартиб ва муддатда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдимнома киритсин.

10. Қонунда белгиланган тартибда тузиладиган сайлов участкалари ва участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайлови, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови учун ягона ҳисоблансин.

11. Белгилансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 2014 йил 12 октябрга қадар тақдим этишлари лозим;

сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш 2014 йил 17 октябрда бошланади ва 2014 йил 6 ноябрда тугайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партиялардан хужжатлар қабул қилиш 2014 йил 9 ноябрда тўхтатилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш 2014 йил 16 ноябрда тугайди;

манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига 2014 йил 6 декабрга қадар маълум қилишлари лозим.

12. Участка сайлов комиссиялари:

сайловчилар рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2014 йил 6 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, камокда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса 2014 йил 14 декабрга қадар тақдим қилиши;

сайловчилар рўйхати билан танишиш жойи ҳамда вақти тўғрисида сайловчилар ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлаши;

2014 йил 11 декабрга қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этиши;

2014 йил 11 декабрдан 19 декабрга қадар муддатидан олдин овоз беришни ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Қайд этилсинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27 ва 38-моддаларига мувофиқ:

сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ва 2014 йил 19 декабрда тугайди. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди;

овоз бериш 2014 йил 21 декабрда соат 06.00 дан соат 20.00 гача ўтказилади.

14. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42 ва 43-моддаларига мувофиқ:

участка сайлов комиссиялари 2014 йил 21 декабрда овоз бериш тугагач, овоз бериш яқунларини чиқаришга киришади, комиссия мажлисида кўриб чиқиш натижалари бўйича баённома тузади ва уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиясига тақдим этади. Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томони-

дан ўқиб эинтирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига 2014 йил 25 декабрга қадар белгиланган тартибда баённома тақдим этади.

15. Сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайланган депутатларнинг рўйхати 2014 йил 31 декабрга қадар матбуотда эълон қилинсин.

16. Агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси округда 2015 йил 4 январга қадар такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади.

17. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 471-моддасига мувофиқ Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференцияси белгиланган тартибда 2014 йил 21 декабрда ўтказилсин.

18. Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча талбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, сайлов тўғрисидаги қонунларга, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича талбирлар Лас-турига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади.

19. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Ташкент шаҳри,
2014 йил 11 сентябрь*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОИ**

**САЙЛОВ ЎТКАЗИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛАДИГАН
САЙЛОВ КАБИНАЛАРИ ВА ҚУТИЛАРИ,
ДАВЛАТ БАЙРОҚЛАРИ, ГЕРБЛАРИ ВА МУХРЛАРИ
ХАМДА ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ТЕХНИК ВОСИТАЛАРНИНГ
МАВЖУДЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ХОЛАТИ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг II-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 9, 10-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сайлов ўтказиш учун зарур бўладиган сайлов кабиналари ва қутилари, Давлат байроқлари, герблари ва мухрлари ҳамда талаб этиладиган техник воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳолати тўғрисида жойлардаги ҳокимликлардан олинган маълумотлар асосида тахлил этилиб, ўрганиб чиқилганлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби в.в.б. К. Адиловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти (К. Адилов) ва Котибият Таъкидий-методик бўлими (Х. Абдурахманов) жерий йилнинг 10 сентябрига қадар жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда Давлат байроқлари, герблари, сайлов қутилари ва мухрларнинг яроқсиз ҳолатга келганини сабабларини ўрганиб, аниқлашган ҳолатлар ва кўпимча талаб қилинадиган техник воситалари ҳусусида комиссияга аниқ таклифлар киритишни таъминласинлар.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари С. Артикова зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 19 август*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА
КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Марказий сайлов комиссиясини демократик шакллантиришга, унинг фаолияти асосий принципларини белгилашга, унинг мустақиллигини, шу жумладан, молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга, шунингдек, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2014 йил 5 сентябрда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида иловага мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси қабул қилинсин.

2. Марказий сайлов комиссияси Котибияти Матбуот хизмати (Н. Нурматов) мазкур мавзуга бағишланган етакчи олимлар, экспертлар ва амалиётчи ходимларнинг республика ва маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишларини, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари (сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон экологик ҳаракати) иштирокида давра суҳбатлари, семинар-тренинглари ўтказилишини ташкил этсин.

3. Марказий сайлов комиссияси котиби (К. Адилов) масъул ходимлар билан биргаликда Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнини тартибга соладиган норматив ҳужжатларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий

сайлов комиссияси Котибияти тўғрисида Низомларни янги тахрирни ишлаб чиқилиши ва комиссия мажлисига таъдиқлаш учун киритилиши.

4. Ушбу Қарор назарда тутилган қилини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Ш. Артықова зиммасига юкландилиши.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 11 сентябрь*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА
ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 64-моддаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 48-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметаси тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловини ўтказиш даврида молиялаштириш қуйидаги тартибда:

марказлаштирилган харажатлар бўйича, шу жумладан, сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш – Марказий сайлов комиссияси томонидан;

округ ва участка сайлов комиссияларининг Қонунчилик палатаси сайлови билан боғлиқ харажатлари – округ сайлов комиссиялари томонидан (улар жойлашган манзилига кўра, тегишли туман ва шаҳар ҳокимликларининг бухгалтериялари орқали) амалга оширилади.

3. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда сайлов учун ажратилган маблағлар ўз вақтида тегишли мутасадди ташкилотларга ажратилишини таъминлаш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига ҳам юклатилганлиги белгилаб қўйилсин.

4. Ушбу Қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Артықова, Марказий сайлов комиссияси котиби в.в.б. К. Адилов зиммаларига юклатилди.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 11 сентябрь*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
САЙЛОВИГА ДОНР ХУЖЖАТЛАРНИНГ
НАМУНА ВА ШАКЛЛАРИ
ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9, 10-моддаларига, шунингдек 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тadbирлар Дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР** ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига донр хужжатларнинг намуна ва шакллари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби в.в.б. К. Адитов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 11 сентябрь*



ГУВОҲНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига
сайлов ўтказувчи _____ - _____ округ сайлов ко-
миссиясининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссиясининг Раиси

(изюси) исм-шарифи ва фамилияси)

фото
3-4 см

2014 йил « »

М.Ў.

(қарор қабул қилинган сана)

Хужжат қўрсатилганда қўқоқийлар



ГУВОҲНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

№ _____ участка сайлов комиссияси раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи
_____ округ сайлов комиссиясининг
Раиси _____

(изюси) исм-шарифи ва фамилияси)

фото
3-4 см

2014 йил « »

М.Ў.

(қарор қабул қилинган сана)

Хужжат қўрсатилганда қўқоқийлар



ГУВОҲНОМА

(фамилияси, исми, отасининг исми)

2014 йил « ____ » _____ да сайлов
округи бўйича Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига
номзод этиб рўйхатга олинди.
_____ округ сайлов
комиссиясининг Раиси

фото
3-4 см

(имзоси) _____ (исем-шарифи ва фамилияси)

М.У.

2014 йил « ____ » _____
(рўйхатга олинган кун)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ахборот-алоқа бўлими

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ КОТИБЛИНИ САЙЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3.13-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Адилов Комилжон Махаматкулович Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби этиб сайлансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 19 сентябрь*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОПИ**

**2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича
РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИНИНГ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни очиклик ва ошкоралик принципларига риоя қилган ҳолда уюшқоқлик билан ўтказиш, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ўз вақтида ахборот олиш ҳамда тарқатишни таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси а бўлиб ўтаётган сайловлар даврига 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази (кейинги ўринларда Матбуот маркази) тузилиши

2. Матбуот маркази тўғрисидаги Низом ва унинг таркибий тuzилиши тасдиқлансин.

3. Матбуот маркази Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйда жойлаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Матбуот марказининг тасдиқланган таркибий тuzилишига мувофиқ унинг ходимлари билан тегишли меҳнат шартномаларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

5. 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини Матбуот марказида аккредитациядан ўтказиш тартиби тасдиқлансин ҳамда матбуотда эълон қилинсин.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва «Жаҳон» ахборот агентлигидан Матбуот маркази фаолияти билан боғлиқ барча материаллар (пресс-релизлар, баённомалар, хабарнома, маълумотлар ва бошқалар)ни тайёрлаш ҳамда ўзбек,

рус ва инглиз тилларига ўз вақтида ва сифатли таржима қилишда амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш сўралсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан Матбуот маркази томонидан ўтказиладиган барча брифинглар, пресс-конференциялар ва бошқа талбирларни ўзбек, рус ва инглиз тилларига синхрон таржима қилиш жараёнида зарур бўлган маълумот таржимонлар билан таъминлашда амалий кўмак кўрсатиш сўралсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасидан Матбуот марказини тегишли жиҳоз ва ташкилий техника, телефонлар, факслар ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш сўралсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимилиги Матбуот маркази фаолиятини ташкилий-техник ва автотранспорт воситалари, шунингдек баннерлар, электрон реклама стендлари, билбордлар ва бошқалар билан таъминлаш масалаларини ҳал этсин.

10. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адиллов зиммасига юклатилсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 19 сентябрь*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚА Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ,
ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ЮЗАСИДАН 2014 ЙИЛ
МАЙ – СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИ БЎЙИЧА
ХИСБОТИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури юзасидан 2014 йил май – септябрь ойлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адилловнинг хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Котибият масъул ходимларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурининг иккинчи, яъни сайлов кампаниясининг асосий босқичи ижросини ўз вақтида таъминла-нишига қаратилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби К. Адил-ловга Дастурнинг иккинчи босқичи якуни бўйича хисоботни комиссия мажли-си муҳокамасига киритилишини таъминлаш юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Ташкент шаҳри,
2014 йил 19 сентябрь*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ
ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлар сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

1-Нукус сайлов округи

(Маркази – Нукус шаҳри, Нукус спорт коллежи биноси)

Нукус шаҳрининг «Ҳаво йўли», «Чинбой чойхона», «Халқлар дўстлиги», «Шигис», «Шоирлар овули», «Тинчлик», «Дўстлик», «Сарбнназ», «Тунгиш қонис», «Қурилишни», «Қосқол–2», «Алмазар», «Ели абот», «Дарбент», «Қаптағар», «Гонс қалъа», «Қум овул», «Жеке терек», «Туран», «Темир йўл», «Орнек», «Лур», «Қосқол–1», «Қосқол–3», «Май овул», «Қизил қўм», «Жайхун», «Наврўз», «Наўқан боғ», «Жувозин», «Бестобе», «Боз овул», «Қутлуг қонис», «Қумбиз овул», «Ақ отаў», «Гузар», «Бекет», «Гарезсизлик», «Наўбахар», «Алланияз Қахарман», «Хаждан овул», 55-сонли, 56-сонли, 57-сонли, 58-сонли ва «Қаратаў» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (152,9).

2-Тўрткўл сайлов округи

(Маркази – Тўрткўл тумани, 3-сонли болалар муенка ва санъат мактаби биноси)

Тўрткўл тумани, Беруний туманининг «Навоий», «Шимом», «Матонат», «Тинчлик», «Одол», «Қизилқалъа» овул фуқаролар йиғинлари ҳудудлари чегараларида (155,6).

3-Эшикқалъа сайлов округи

(Маркази – Эшикқалъа тумани, Эшикқалъа тумани Бадишукка кўмаклашши ва аҳолини истиқомий муҳофаза қилши маркази биноси)

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида» қабул қилинган қарор ҳақида маълумот берди ва ушбу қарорда кўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида батафсил сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳам эълон қилинди.

Брифингда сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси ва сайлов комиссиялари томонидан сайлов қонунчилигининг асосий принцип ҳамда талаблари 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Дастурига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши алоҳида таъкидланди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади. Бирон-бир ташкилотнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашишига, шунингдек, сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳеч қайсисига имтиёз ва преференциялар берилишига йўл қўйилмаслиги қайд этилди. Сайлов қонунчилигининг норма ва талабла-

ри барча учун мажбурий ва бир хилдир. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов кампанияси жараёнига аралашиш ёки қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадда қилинган ҳар қандай уришишнинг олди олинади ва қонунчиликка мувофиқ чора кўрилади.

Брифинг иштирокчилари сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги янгиликлар билан таништирилди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида 2011, 2012 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ва сайлов ҳақидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайлов кампаниясини умумлаштироф этилган демократик принциплар ва қонунчилик талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича ҳуқуқий қафолатларни қучайтиришда муҳим омил бўлганлиги таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари бўлажак сайловларни ўтказиш бўйича тайёргарлик даврида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам таништирилди. Журналистларга сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қондаларини тушуштириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларида олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг чиқишлари ташкил этилди, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ва илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Жорий йилнинг май-сентябрь ойларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси томонидан демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва тақомиллантириш масалалари, сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик таъминлига амал қилган ҳолда сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга бағишланган халқаро тадбирлар ўтказилгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Уларда Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) Ижроия қўмитаси, Миллий демократия институти (АҚШ) экспертлари, АҚШ, Франция, Испания, Италия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа давлатлардан олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Хорижий иштирокчилар Ўзбекистон сайлов қонунчилиги умумлаштироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келишини таъкидлади.

Брифингда бутунга қушда Ўзбекистонда эркин, адолатли ва демократик сайловларни очиқлик, ошқоралик ва транспарентлик руҳида ўтказиш учун барча зарур ҳуқуқий асослар мавжудлиги қайд этилди.

* * *

2014 йил 17 сентябрда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ белгиланган намунадаги имзо варақалари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин берилади.

Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинадиган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига биноан сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш учун 12 октябргача Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия Қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт. Имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.

Ушбу жараёнда сиёсий партиялар вакилларининг иштирок этишига ҳам рухсат этилади. Сайловчилар имзоси сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси ушбу сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида якуний қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб, марказий матбуотда эълон қилинади.

* * *

2014 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Бош прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бўлажак сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси 15 сентябрдан расман бошланганига эътибор қаратди. Айтилган пайтда мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш истагини билдирди ва сайловчилар имзосини тўплашни бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланиши таъкидланди. Бирон-бир ташкилотнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашшига, шунингдек, сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳеч қайсисига имтиёз ва преференциялар берилишига йўл қўйилмайди. Сайлов қонунчилигининг норма ва талаблари барча учун мажбурий ва бир хилдир.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда амалга ошириладиган сиёсий ислохотлар, жумладан, сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асоси эканини таъкидлади. Сайловларни ўтказишнинг умумэтироф этилган нормаларга мувофиқ шакллантирилган демократик принциплари фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали амалга ошириш имконини беради. Шундан келиб чиққан ҳолда сайлов қонунчилиги ва уни ҳаётга татбиқ этиш амалиёти мамлакатимизда олиб бориладиган демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисмига айланди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ 2011, 2012 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ҳамда сайлов тўғрисидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайлов кампаниясини умумэтироф этилган демократик принциплар ва талабларга тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича ҳуқуқий қафолатларни кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва услулари аниқ белгилаш, ташвиқотни ўтказишда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг шароит яратиш механизмлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов жараёнида ошкораликка риоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилик бўлган Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий мустақамланганлиги сайловларни демократик, очиқ ва ошкоралик руҳида, қонуний асосда ўтказишнинг муҳим қафолатига айланди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда бўлажак сайловни демократия принциплари, очиқлик, ошкоралик, эркинлик, адолатлилик руҳида ўтказиш, фуқароларнинг сайлов жараёнида фаол ҳамда эркин иштирок этиши учун барча зарур ҳуқуқий асослар яратилганлиги ҳақида яқдил фикр билдирди.

* * *

2014 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказини ташкил этишга оид масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган йиғилишда сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, уни юқори савияда ўтказиш ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик масала эканлиги таъкидланди. Айниқса, бу жараёнда ошкораликни таъминлаш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига, мамлакатимизнинг демократия йўлидан янада тараққий этишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Матбуот марказининг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ёритиш, ахборот олиш ва уни тарқатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратишдир. 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича матбуот маркази Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 16-уйдаги Ўзбекистон Миллий матбу-

от маркази биносига жойлаштирилди. Бу ерда журналистларнинг сайлов жараёнининг барча босқичларини самарали ёритиш борасидаги фаолияти учун барча шарт-шароит яратилган.

Сайловларнинг боришини ёритиш истагида бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссиясида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан ўтиш тартиби билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz расмий сайти орқали танишиш мумкин. Тегишли тартибда аккредитациядан ўтган журналистлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган брифинг ва матбуот анжуманларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Йиғилишда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурида кўзда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, дастур доирасидаги барча тадбирлар сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда.

Мажлисида Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

* * *

Сайловни демократик тамойилларга мос равишда очиқ ва эркин ўтказишда оммавий ахборот воситалари ғоят муҳим ўрин тутди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси қоидалари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари 2014 йилги сайлов жараёнини кенг ёритиб боради.

Шу муносабат билан, 2014 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, шунингдек, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан битимлар имзолади.

Ушбу битимлар сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбирлардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди. Битимларда миллий сайлов қонунчилиги – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунлари ҳамда сайлов жараёнини тартибга

солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган. Депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда бир хил эфир вақти ва босма майдони ажратиш орқали тенг шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилган.

– Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурида кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида амалга оширилмоқда, – деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов. – Ҳамкорлигимизнинг асосий мақсади – жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш, сайловчиларга сайлов тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини тушунтириш, фуқароларни сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди платформалари билан таништириш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш, сайлов куни онгли равишда овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Томонлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий теле-ва радиоканаллари, давлат босма оммавий ахборот воситалари ҳамда мамлакатимизнинг ахборот агентликлари орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ҳамда уни ўтказишга оид ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

* * *

2014 йил 2 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясида маҳалла оқсоқоллари билан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унинг доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнида иштирок этишининг ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритилди.

Шунингдек, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури мазмун-моҳияти, сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидалари, шунингдек сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир иштирокчилари ўз чиқишларида таъкидлаганидек, эркин сайловлар орқали фуқаролар ўзи муносиб деб билган шахсларни давлат ҳокимияти

вакиллик органларига сайлайди. Демак, фуқароларнинг давлат органларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки шу жараёнда яққол намоён бўлади.

Мамлакатимизда бу борада зарур ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Мазкур конституциявий қоидалар, ўз навбатида, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ва сайлов тўғрисидаги қонунларда ўз ифодасини топди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунида айнан сайлов жараёнларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг муайян ваколатлари мустаҳкамланди.

Жумладан, Қонуннинг 11-моддасида маҳалла фуқаролар йиғинининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тақдим этиши мустаҳкамланди. Шунингдек, мазкур орган халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бу каби ваколатлари бошқа Қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг тартиби белгиланган. Аниқроқ айтганда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг қатор моддаларида ҳам фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнларидаги иштирокига оид муносабатлар тартибга солинган. Жумладан, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни

овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эга.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларининг аъзолари, шунингдек, участка сайлов комиссияларининг аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тасдиқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб тегишли туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади.

Давра суҳбати эркин фикр алмашиш, савол-жавоблар руҳида бўлиб ўтди.

* * *

2014 йил 3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи бўйича ўтказилади.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, сайлов округларининг рўйхати уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури ижросининг бориши ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

2014 йил 3 октябрь куни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига биноан сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш учун Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия Қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт.

Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-худудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

Сайлов қонунчилигига мувофиқ имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.

Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Унинг таркибида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, ички ишлар, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари бор.

Имзо варақаларини текшириш жараёнида сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳам иштирок этиши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

* * *

2014 йил 3 октябрь куни. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди: сайловда иштирок этиш тўғрисида ЎзЛиДеП раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам имзолар тўплаш жараёнини якунлади ва Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун тегишли ҳужжатлар тақдим қилди.

* * *

2014 йил 6 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Шундай қилиб, барча сиёсий партиялар: Тadbиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш учун тегишли хужжатларни Марказий сайлов комиссиясига топширди.

* * *

2014 йил 8–9 октябрь кунлари Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг 2014 йилги парламент сайловида иштирок этиш учун такдим этилган ариза ва бошқа хужжатларини кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси қабул қилинган 624-сон қарорига биноан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг, 625-сон қарорига мувофиқ Тadbиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 626-сон қарорига асосан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ва 627-сон қарорига биноан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишларига ижозат берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон экологик харакатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тўғрисидаги қарорини маълумот учун қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур Қонунга асосан округ сайлов комиссиялари Марказий сайлов комиссияси томонидан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида кенг муҳокамадан ўтишди ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилди.

* * *

2014 йилнинг 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг павбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда хорижий давлатларда сайлов участкаларини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ёритиш учун журналистларни аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка биноан сайлов участкалари асосий мезон сайловчиларга барча қулайликлар яратиш инобатга олинган ҳолда ташкил этилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдирномасига мувофиқ мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда ҳам сайлов участкалари ташкил қилинмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкаларини ташкил этиш ҳақидаги тақдирномасини кўриб чиқиб, парламент сайлови бўйича 44 та сайлов участкасини тузиш ва уларни Тошкент шаҳридаги 126-Темирўлчилар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, сайловчилар учун зарур шароитлар яратишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисида парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ва тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ҳолисона ва ҳар томонлама ёритишни таъминлашнинг муҳим шари сифатида маҳаллий ҳамда хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясига тегишли тартибда мурожаат қилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг ваколати доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Жорий йилнинг 9 октябрь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси М. Абдусаломов журналистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комис-

сияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак сайловларда иштирок этишига ижозат бериш ишлари ҳақида ахборот берди.

Матбуот анжуманида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига биноан парламент Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилиши таъкидланди. Марказий сайлов комиссияси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифларини кўриб чиқиб, 3 октябрда бўлиб ўтган ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов округларининг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати матбуотда эълон қилинди.

Матбуот анжуманида журналистларга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг 9 октябрда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги ҳақида маълумот берилди.

Таъкидландики, ушбу Қонуннинг 12-моддасига биноан округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади. Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ комиссиялар таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни – партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси ва сайловчиларнинг сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этди.

Ҳар бир партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-худудий тузилмасида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги лозим эди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23¹-моддасига мувофиқ сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳ тузилди. Имзо варақаларини кўриб чиқишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этди. Ушбу институт сайлов жараёнининг янада ошқоралиги ҳамда демократлигини таъминлашга даъват этилган.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, партиялар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганиш яқунлари партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилганидан далолат беради.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Матбуот анжуманида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистонда сайловларни ташкил этиш билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

* * *

Жорий йилнинг 17 октябрь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари учун семинар бўлиб ўтди.

Унда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ходимлари, миллий экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар сайлов комиссиялари раисларининг миллий сайлов қонунчилиги ва уни амалда қўллаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ко-

миссиялар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, улар олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий риоя этиш тўғрисида хабардорлигини янада ошириш мақсадида ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинарни очар экан, мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов миллий сайлов қонунчилиги, унда мустаҳкамланган очиклик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига, шунингдек, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурига тўлиқ мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади.

Семинар иштирокчиларига ўтган даврда мазкур Дастурга биноан амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

Бўлажак сайлов миллий сайлов тизими ва жамиятимизни изчиллик билан либераллаштириш ва демократлаштириш давомида яратилган янги шароитда ўтказилиши алоҳида қайд этилди. Бу жараён Президентимиз Ислон Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига депутатлар сайлови бўйича сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловни демократик принциплар, амалдаги қонунчилик норма ва қоидаларига асосан адолатли, очик ва ошқора ўтказишни таъминлашдан иборат экани таъкидланди. Комиссиялар ўз фаолиятида сайлов кампанияси барча иштирокчиларининг миллий қонунчилик талабларига қатъий риоя этиши, барча даражадаги сайлов комиссияларининг мустақиллигини ва ўз фаолиятини қонунга мувофиқ амалга оширишини таъминлаш каби муҳим масалаларга ҳамisha эътибор қаратиши лозим.

Семинарда «Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти», «Округ ва вилоят сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ долзарб вазифалари», «Матбуот марказларининг сайлов кампаниясини тезкор ва ишончли ёритиш бўйича вазифалари», «Сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг халқаро стандартлари», «Округ ва участка сайлов комиссиялари ўртасида маблағларни тақсимлаш ва молиявий тартибни назорат қилиш», «Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш масалалари» мавзуларида маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида замонавий демократик талаблар инobatга олинган ҳолда, сайлов жараёни ташкилотчилари ва иштирокчиларининг муҳим вазифалари белгилангани ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, айти пайтда сайлов қонунчилиги қоидалари ва унга киритилган ўзгартишларни фуқароларга кенг тушунтириш, уларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида хабардорлигини ошириш ишлари амалга оширилмоқда.

Баҳс-мунозаралар чоғида сайлов комиссиялари раислари ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олди.

* * *

Жорий йилнинг 24 октябрь куни 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида «Очиқлик ва ошкоралик – сайлов кампаниясининг асосий принциплари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўқитувчилари ва тингловчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очиқ ва эркин сайловлар ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирок этишининг асосий шакли эканини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда қайд этилганидек, қонунчиликка мувофиқ сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг асосий талабларидан биридир.

Оммавий ахборот воситалари бутун сайлов кампаниясининг боришини ёритади. Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ҳамкорлигининг асосий вазифаси сайловчиларнинг сайловларда эркин иштирок этиши, сиёсий партиялар ва номзодларнинг сайловолди дастурлари билан атрофлича танишиши, овоз бериш куни онгли равишда қарор қабул қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборатдир. Сайлов комиссияларининг барча тадбирларида, шу жумладан Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида ОАВ вакиллари иштирок этиши мумкин.

2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази самарали фаолият олиб бормоқда. Бу ерда журналистлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Матбуот марказида мамлакатимиз ва хориж ОАВ вакиллари учун мунтазам равишда сайлов кампаниясининг асосий босқичларига бағишланган брифинглар, матбуот анжуманлари ўтказилмоқда.

Ҳудудларда ҳам вилоят сайлов комиссиялари ҳузурида тузилган матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Матбуот марказлари журналистларнинг сайлов кампанияси билан боғлиқ маълумотлардан тезкор равишда фойдаланишларига кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссиясининг доимий равишда янгиланиб турадиган расмий веб-сайти (www.elections.uz) ҳам жамоатчиликни сайлов кампанияси жараёнларидан хабардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида сайловларни очиклик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказишда маҳаллий ва хорижий кузатувчилар, сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимларининг роли ва аҳамияти, улар фаолиятининг қонуний асослари ҳақида фикр юритилди.

Анжуманда, шунингдек, сайлов кампанияси муҳим босқичи ҳисобланган сайловолди ташвиқотига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қонунчиликка мувофиқ бу жараён тегишли сайлов комиссиялари томонидан депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Қонунчиликда сайловолди ташвиқотининг хилма-хил турлари, шакллари ва усуллари назарда тутилган. Сиёсий партиялар вакиллари ва депутатликка номзодларнинг баҳс-мунозаралари, матбуот анжуманлари, интервьюлари, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари, сайловчилар билан учрашувлари шулар жумласидандир. Сайловолди ташвиқоти даврида сайловчилар эътиборига сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари ҳақидаги ахборотлар етказилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар яратилади.

Тадбир очик мулоқот, фикр-мулоҳазалар алмашиш руҳида ўтди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 9–10 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш борасида очиклик, ошкораликни таъминлаш, қонунийликка риоя этиш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича миллий ва хорижий экспертлар ушбу йўналишдаги Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт хусусида фикр алмашдилар. Тадбир доирасида миллий сайлов тизимимизнинг демократик таъминловларини янада ривожлантиришга қаратилган янги ҳуқуқий нормалар ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистондаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси идораси ва Америка Қўшма Штатлари Миллий демократик институтининг Ўзбекистондаги филиали ҳамкорлигида ташкил этилди.

* * *

2014 йил 25 сентябрь куни Тошкент шаҳрида «Сиёсий партиялар ва сайловлар: Халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Марказий сайлов комиссияси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида Франция, Германия, АҚШ, Корея Республикаси, Норвегия, Россия каби давлатлардан олимлар ва экспертлар, ЕХҲТ, ЮНЕСКО, АҚШнинг Миллий демократик институти, Ф.Эберт номидаги Фонд каби халқаро ва хорижий ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, етакчи илмий тадқиқот ва ўқув муассасалари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида иштирокчилар давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларда сиёсий партияларнинг иштирок этиш масалалари бўйича ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар. Давра суҳбати иштирокчилари томонидан сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда иштирок этиши бўйича умумэътироф этилган принцип ва нормалар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси кўриб чиқилди. Давра суҳбати давомида иштирокчилар Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларида иштирок этиш тажрибасини муҳокама қилдилар.

Жорий йилнинг 29 сентябрь – 10 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси делегацияси давлат ҳокимияти вакиллик ор-

ганларига сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан тажриба алмашиш мақсадида Испания ва Францияга ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон делегациясининг сафари доирасида Ўзбекистон сайлов тизими ва бўлиб ўтажак парламент сайловларига бағишланган брифинг ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда Испания ва Франция парламентлари аъзолари, сайловни ташкил этувчи ва ўтказувчи тегишли сайлов органлари, давлат муассасалари вакиллари, таниқли олимлар ва экспертлар иштирок этдилар.

Хорижий экспертлар Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотларга юксак баҳо бердилар.

Испания Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё бўйича алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Фернандо де ла Серна таъкидлаганидек, Ўзбекистонда модернизация жараёнларининг ўзига хослиги ва долзарблиги уларнинг барча соҳаларни қамраб олиши билан изоҳланади.

Испания Ички ишлар вазирлиги ички сиёсат бўйича департамент директорининг ўринбосари Кольменарес Солонинг фикрича, Ўзбекистон тажрибасининг ижобий хусусияти шундаки, Испаниядан фарқли равишда Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш демократик асосларда шаклланадиган сайлов органлари зиммасига юкланган.

Мадрид Автоном университети профессори Хесус Хил Фуенсента Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилишини, сайлов қонунчилиги доимий равишда такомиллашиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Профессорнинг фикрича, Ўзбекистонда конституциявий мақомга эга бўлган мустақил Марказий сайлов комиссиясининг мавжудлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Сайлов кампанияларини назорат қилиш ва партиялар молиялаштирилиши бўйича Миллий комиссиянинг раиси Франсуа Ложеро таъкидлаганидек, Ўзбекистон сайлов комиссияси шаффофлиги билан таснифланади ва сайлов жараёнларида ягона тизим сифатида амал қилади. Бу хорижий экспертлар эътиборига ва ўрганишига лойиқдир. Ф. Ложеро мамлакатимизда сайлов кампанияси молиялаштирилиши тизимини ижобий баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистонда барча сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун молиявий ресурслардан фойдаланишга тенг шароитлар ва имкониятлар яратилган. Чунки Марказий сайлов комиссияси кўрсатилган номзодларнинг сонига қараб бюджет маблағлари ва бошқа маблағларни мутаносиб равишда тақсимлайди.

Франция Конституциявий Кенгаши аъзоси Ги Каниве фикрига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сингари сайлов жа-

раёни учун масъул бўлган мустақил давлат органининг мавжудлиги сайлов жараёнларида бошқа мамлакатларга такрорлаш ҳолатларини бартараф этиш имконини беради. Чунки уларда сайловларни ташкил қилиш учун бир неча идоралар масъул ҳисобланади.

Ташриф доирасида Испания ички ва ташқи вазирликларида, Марказий сайлов комиссиясида, Франция Конституциявий Кенгашида, Ички ишлар вазирлиги Давлат Кенгашида, Сайлов кампанияларини назорат қилиш ва партиялар молиялаштирилиши бўйича Миллий комиссиясида ҳам учрашувлар ўтказилди.

* * *

2014 йил 9 октябрь куни Варшавада Ўзбекистоннинг Польшадаги элчихонаси томонидан Варшава университети Сиёсий фанлар институти билан ҳамкорликда «Сайлов қонунчилиги ва уни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон ва Польша тажрибаси» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда очиқлик, ошкоралик ҳамда қонун устуворлигини, сайловларда сиёсий партияларнинг иштирокини таъминлаш соҳасида икки мамлакат сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ривожланишининг замонавий ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама этилган мазкур тадбирда Польшанинг етакчи олим ва экспертлари ҳамда Варшава университети магистрантлари қатнашди.

Давра суҳбати иштирокчиларига мавзуга доир ахборот материаллари ва рисолалар тарқатилди.

Польшалик экспертлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилиши, унинг ваколатлари кенгайтирилиши, молиявий мустақиллиги таъминланиши ҳамда сайлов кампаниясининг барча босқичида сайловчиларни хабардор этиб бориш юзасидан амалга оширилаётган ишларни юқори баҳоладилар.

Учрашувда сўзга чиққан Варшава университети Сиёсий фанлар институти директори, профессор С. Суловский ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, ҳокимият бўлининининг конституциявий принципини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Варшава университети Сиёсий фанлар институтининг Шарқий тадқиқотлар факультети раҳбари Т. Бодио фикр билдирганидек, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини сайловлар орқали шакллантириш мамлакатдаги конституциявий тузумнинг демократик хусусиятидан далолат беради. «Шу сабабли Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш ва сиёсий партиялар-

нинг ўрни ҳамда аҳамиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани ҳар жихатдан тўғридир», деди у.

Мазкур институт директорининг ўринбосари, профессор Б. Бискуп «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг юксак ҳуқуқий мақоми сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун муҳим шарт-шароит ҳисобланади. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда бошқа давлат органларининг аралашувиغا йўл қўйилмайди», дея таъкидлади.

Давра суҳбати якунида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан парламент сайловларига халқаро кузатувчиларни таклиф қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишларни ҳамда юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган сайлов амалиётини юқори баҳоладилар.

* * *

22 октябрь куни Шанхай шаҳрида жорий йил 21 декабрь куни Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнларига бағишланган брифинг уюштирилди.

Мамлакатимизнинг Шанхайдаги Бош консуллиги томонидан ташкиллаштирилган мазкур тадбирда Чжоушань шаҳри ҳамда Чжэцзян провинцияси ташқи ишлар департаментининг вакиллари қатнашди.

Брифинг чоғида Ўзбекистон Республикасида демократик жамият қурилишининг асоси сифатида сайловларни очиклик ва ошкоралик принциплари асосида ўтказиш учун тўлақонли амалий ҳуқуқий пойдевор яратилгани қайд этилди. Сайловчилар сайлов округларининг тузилиши, комиссиялар таркиби, номзодларнинг рўйхатга олиниши, овоз бериш ва сайлов натижалари бўйича ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов комиссияларининг барча қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Умуман олганда, қонун талабларига тўла мувофиқ равишда сайловларнинг очиклик ҳамда ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган мустақил комиссиялар тизимининг тузилиши Ўзбекистоннинг сайлов тизимини ислоҳ этиш соҳасида эришган муҳим муваффақиятларидан бири ҳисобланади.

Брифинг иштирокчиларининг эътибори Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга катта туртки берганига қаратилди. Жумладан, 2011 йилда сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган янгиликлар қаторида сайловолди

ташвиқотининг шакл ва усуллари аниқ белгиланган, сайлов кампанияси жараёнида депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга тенг шароитларни таъминлаш механизмларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани хусусида атрафлича фикр юритилди. Сайловлар жараёнида очиклик, ошкоралик ҳамда шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилгани таъкидланди.

Чжэцзян провинцияси ташқи ишлар департаменти паспорт-визалар бўлими директори Ван Хонвэй ҳар қандай давлат органлари аралашувисиз сайловлар ўтказилишини таъминлайдиган Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақомининг берилгани алоҳида эътиборга лойиқ жихат ҳисобланишини айтди. «Бу сайловларнинг демократияга монандлигини, очиклиги ҳамда ошкоралигини кафолатлаш имконини яратади», деди у.

Чжоушань шаҳар ҳукумати ҳузуридаги ташқи ишлар департаменти директори Фан Вэй Ўзбекистоннинг аввалбошданок ўз зиммасига олган мажбуриятга, яъни қонун устуворлигига оғишмай риоя қилиб келаётганини эътироф этди.

– Сайлов кампаниясининг барча босқичида очиклик ва шаффофлик таъминланиши ҳамда қонунчиликда кузатувчилар учун кафолатларнинг кўзда тутилгани, шубҳасиз, диққатга моликдир, – деди у. – Экология масалалари халқаро миқёсда умумбашарий муаммо бўлиб қолаётган бир пайтда Ўзбекистонда экологик ҳаракатнинг ташкил этилиши ва унинг вакилларига миллий парламентада ўрин ажратилгани ҳам кишида чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотади.